Tibbiyotning oliy maqsadi – inson salomatligiga erishishdir

# O`zbekistonda sog`liqni saqlash
# Здравоохранение Узбекистана



Газета 1995 йил октябрь ойидан чиқа бошлаган • @uzssgzt, uzss@yandex.ru • 2022 йил 15 ноябрь • №49-50 (1433)

# КАСАЛЛИКЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ ЧОРАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ



**Президент Шавкат Мирзиёев 12 декабрь куни фтизиатрия ва пульмонология соҳасини ривожлантириш, ОИТС касаллигининг олдини олиш масалалари бўйича йиғилиш ўтказди.**

Давлатимиз раҳбарининг 2019 йил 13 февралдаги қарори билан фтизиатрия ва пульмонология ёрдами кўрсатиш тизимини такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар қабул қилинган эди. Бу сезиларли натижа бериб, касалланганлар умумий сони 2 мингтага камайди. Янги касалланиш ҳолати 10 фоизга, ўлим ҳолати 17 фоизга қисқарди. Лекин сўнгги йилларда коронавирус эпидемияси сабабли юртимизда ўпка касалликлари бўйича диспансер назоратидаги беморлар сони 18 фоизга ошган. Ҳудудларда туберкулёз бўйича 5 хил юқори технологик жарроҳлик амалиётига талаб бўлсада, бу хизматлар фақат Тошкент ва Нукус шаҳарларида тўлиқ йўлга қўйилган.

Одам иммунитети танқислиги вируси билан касалланиш ҳолатлари ҳам, афсуски, кўпаймоқда. Бу, айниқса, Тошкент шаҳри, Андижон ва Самарқанд вилоятларида долзарб.

Шу боис йиғилишда мазкур икки соҳадаги навбатдаги чора-тадбирлар мутахассислар иштирокида муҳокама қилинди.

Президентимиз келгуси йилдан бошлаб “Ўпка саломатлиги” мобил бригадаларини ташкил этиб, чекка ҳудудларда болаларни скрининг текширувларидан ўтказиш бўйича топшириқ берди.

Туберкулёз инфекциясининг молекуляр-генетик диагностикасини, яширин инфекцияси бор беморларни аниқлаш ва профилактик даволаш қамровини ошириш зарурлиги таъкидланди.

Вилоят ҳокимларига ҳудудлардаги Фтизиатрия сиҳатгоҳларини таъмирлаш ва жиҳозлаш, бактериология лабораторияларини ташкил этиш топширилди.

Соғлиқни сақлаш вазирлигига туберкулёз билан касалланган беморларни дори воситалари билан бепул таъминлаш вазифаси қўйилди. Бунга давлат бюджетидан 40 миллиард сўм ажратилади.

ОИВ инфекцияси бўйича ҳам текширувни кенгайтириб, 3 миллион аҳолини қамраб олиш чоралари белгиланди. Бундай беморлар ҳам 22 турдаги вирусга қарши дорилар билан бепул таъминлади.

Ҳудудий ОИТС маркази ва туманлараро лабораторияларни таъмирлаш, уларни замонавий тиббий ускуналар билан жиҳозлашга масъуллар бириктирилди.

Тиббиётнинг бирламчи бўғини ходимларини ОИВ инфекцияси бўйича малакасини ошириш, аҳоли ўртасида касаллик ва унинг оқибатлари тўғрисида тушунтириш ишларини кучайтириш муҳимлиги қайд этилди.

Умуман, буларнинг барчасини инобатга олиб, фтизиатрия, пульмонология ва ОИТС йўналишларида дастурий қарорлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш вазифаси қўйилди.

**ЎзА**

## ДАВЛАТ ТИББИЙ СУҒУРТАСИ

# ТИББИЙ СУҒУРТА МЕХАНИЗМЛАРИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ – ДАВР ТАЛАБИ

**Ўзбекистан Республикаси Президентининг махсус қарорига мувофиқ халқаро тажриба асосида Ўзбекистон тиббиёти учун мутлақо янги йўналиш Давлат тиббий суғуртаси жорий этилмоқда. Буни Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилотининг нуфузли экспертлари ҳам эътироф этишмоқда. Мазкур модель ривожланган давлатларда синовдан муваффақиятли ўтган илғор тажрибадир.**

Тошкент вилояти Янгийўл туманида жами 192170 нафар аҳоли истиқомат қилади. Туманда аҳолига бирламчи тиббий санитария ёрдамини кўрсатиш бўйича 6 та оилавий шифокорлик пункти, 3 та оилавий поликлиника, 1 та кўп тармоқли марказий поликлиника ҳамда туман тиббиёт бирлашмасининганинг барча бўлимлари тиббий хизмат кўрсатиб келмоқда. Сифатли кафолатланган тиббий суғурта тизими. Бу бемор учун ҳам, шифокор учун ҳам анча қулай. Чунки электрон базадан маълумотлар тез топилади. Олдинги ташриф ва текширувлар натижалари билан врач бир неча дақиқа ичида тўлиқ танишиши мумкин.Ваҳоланки, тиббий карталарнинг қоғоз шаклида беморлар ҳамширанинг рўйхатга олиши, карталарни қидириб топиши ва шифокор ёзувларни кўздан кечиришини кутиб, кўп вақт йўқотарди. Давлат тиббий суғуртаси механизмларини жорий этиш жараёнида бирламчи тиббиёт муассасаларида шифокор олди кўриги учун белгиланган стандартларга мос хоналар ташкил этилди. Натижада бир беморни кўриш, ташхис қўйиш, муолажаларни ўтказиш учун оилавий шифокор аввалгидек ўртача 5-6 дақиқа ўрнига, 15-20 дақиқа вақт ажратиш имкониятига эга бўлди. Шифокор олди кўрик хонасида амалиётчи ҳамширалар беморни мустақил текшириб, юқумли бўлмаган (юрак-қон томир, қандли диабет, нафас олиш органлари) касалликлар хавфини баҳолаши учун дастлабки скринингдан ўтказади. Тиббиёт муассасасига келган беморлар энди навбат кутиб турмайди. Улар олдиндан, ўзига қулай вақтда электрон навбатга ёзилади.

Жамғарма давлат тиббий суғуртаси тизимини жорий этиш, бошқариш ҳамда сохада ягона давлат сиёсатини таъминлашда иштирок этади. Аҳолини давлат томонидан кафолатланган пакет доирасида сифатли ва зарур тиббий ёрдам билан таъминлаш учун тиббий хизматлар харидини амалга оширади. Мазкур тизимда ҳар бир фуқаронинг саломатлиги давлат ҳисобидан суғурталанмокда. Бунда аҳоли пул тўламайди ва давлат тиббий хизматни бепул кафолатлайди, яъни тиббий хизмат харажатлари Давлат бюджети ҳисобидан қопланади. Фуқаро оилавий шифохона эшигидан кириши билан уни рўйхатга олиш, шифокорга кириши, таҳлиллардан ўтиши назоратга олинади. Кафолатланган тиббий хизматлар текин амалга оширилади. Аҳоли кафолатланган пакет доирасида бепул тиббий ёрдам олиш, яъни шифокор қабули, ихтисослашган мутахассислар билан маслаҳатлашиш, скрининг текширувларидан ўтиш, станционарларда даволаниш ҳуқуқига эга. Бу жараёнда мажбурият - битта, у ҳам бўлса, энг аввало оилавий шифокорга мурожаат қилиш ва у билан маслаҳатлашишдир.

Оғир беморларнинг пойтахтга келиб вақт ва маблағ сарфлашининг олдини олиш мақсадида вилоятимиздаги 2 та муассаса билан ҳамкорлик қилинмоқда. Бунда имтиёзли тоифага кирувчи бемор электрон ахборот тизими орқали навбатга қўйилади. Ушбу йўлланма асосида Жамғарма билан шартнома тузган тиббиёт муассасасида беморга бепул юқори технологик тиббий ёрдам кўрсатилади.

***Вилоятимизда ҳозирги кунда Давлат тиббий суғуртаси тизимига тўлиқ ўтишга тайёргарлик кўрилмоқда. Ҳар бир оилавий шифокорлик пунктида, оилавий поликлиникаларда, кўп тармоқли марказий поликлиникаларда, шифохоналарда тиббий асбоб-ускуналар, компьютер жамламалари, тиббий ходимлар билан таъминланиши ўрганиб чиқилмоқда, вилоят шифохона, туман, шаҳар тиббиёт бирлашмалари раҳбарларига кўрсатмалар берилмоқда.***

**Санжар УМРЗОҚОВ,**
**Тошкент вилояти Янгийўл туман тиббиёт бирлашмаси бошлиғи.**

ПАЛАТА МАЖЛИСЛАРИ

# ТИББИЁТ ХОДИМИГА ТАЖОВУЗ ҚИЛГАНЛИК УЧУН ЖАВОБГАРЛИК ОШИРИЛМОҚДА

**Жорий йилнинг 12 декабрь куни Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги “Адолат” СДП фракциясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда депутатлар кун тартибига киритилган бир қатор қонун лойиҳаларини кўриб чиқди.**



Хусусан, “Тиббиёт ходимининг фаолиятига тўсқинлик қилганлик учун жавобгарлик белгиланиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси муҳокамалар марказида бўлди. Таъкидлаганидек, сўнгги йилларда мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини тубдан ислоҳ қилиш, уни ривожлантиришни янги босқичга олиб чиқиш давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланди. Бирламчи тиббий-санитария ёрдами, шошилинч тез тиббий ёрдам ва ихтисослаштирилган тиббий хизмат тармоғини ўз ичига олувчи тиббиётнинг уч босқичли миллий модели яратилиб, аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш самарадорлигини, сифатини ва қулайлигини ошириш таъминланмоқда. Аммо шунга қарамай, кейинги пайтларда тиббиёт ходимларига ғайриқонуний тажовуз ҳолатларига чек қўйилмаяпти. Масалан, 2019-2022 йилларда 285 дан ортиқ ҳолатда тиббиёт ходимларига нисбатан турли шаклда тажовуз қилинган.

Амалдаги қонунчиликда эса хизмат вазифасини бажараётган тиббиёт ходимларига нисбатан тажовуз қилганлик, фаолиятга тўсқинлик қилганлик учун тўғридан-тўғри жавобгарлик белгиланмаган. Бундай шахслар Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг турли моддалари билан жавобгарликка тортилаётган бўлса-да, улар қилмишига яраша жазо олмаяпти. Ушбу қонун лойиҳаси билан эндиликда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс янги моддалар билан тўлдирилиб, тиббиёт ходимига қонунга хилоф равишда таъсир ўтказган фуқароларга 1,5 млн сўмдан 2,1 млн сўмгача, мансабдор шахсларга эса 2,1 млн сўмдан 3 млн сўмгача жарима ёки 15 суткагача маъмурий қамоқ белгиланмоқда. Муҳокамалар давомида фракция аъзолари қонун лойиҳасини бугунги кундаги зарурати ва аҳамиятини эътиборга олиб, уни янада такомиллаштириш лозимлигини билдирди. Ҳужжатни пишиқ-пухта ҳолатга келтириш бўйича кўплаб асосли таклифларни илгари суриб, қонун лойиҳасини қўллаб-қувватлашди.

Йиғилишда “Суд қарорларининг қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилигини текшириш институти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси ҳам қизғин муҳокама қилинди. Ушбу қонун лойиҳасининг қабул қилиниши орқали Олий судда иш ҳажмининг сезиларли камайишига, Олий суд судьяларининг асосий эътиборини қуйи судлар учун ягона суд амалиётини шакллантириш, судларнинг масъулиятини ошириб, ишларнинг сифатли ва ўз вақтида кўрилишига, фуқароларнинг шикоят қилишига бўлган ҳуқуқлари доираси кенгайиши ҳамда уларнинг эътирози ва сарсонгарчилигининг олдини олишга эришилади.

***Фракция аъзолари қонун лойиҳасини кўриб чиқиш чоғида унинг бугунги кундаги зарурати ва аҳамиятини эътиборга олиб, уни қўллаб-қувватладилар.***

# НАРКОЛОГИК КАСАЛЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИ БЎЙИЧА ҚАНДАЙ НОРМАЛАР БЕЛГИЛАНМОҚДА?

**Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг мажлисида кўриб чиқилган навбатдаги ҳужжат — “Наркологик касалликлар профилактикаси ва уларни даволаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига ўзгартишлар киритиш ҳақида”ги қонун лойиҳаси бўлди.**



Таъкидланганидек, сўнгги йилларда юртимизда наркологик касалликларнинг олдини олиш, ташхис қўйиш ва даволаш, уларга чалинган шахсларни тиббий-ижтимоий реабилитация қилишни ривожлантириш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.Масалан, ҳозирги кунда наркологик касалликка чалинган шахсларни амбулатория ва стационар шароитларида нафақат текшириш, маслаҳат бериш, ташхис қўйиш ва даволаш, балки уларни тиббий-ижтимоий реабилитация қилиш билан боғлиқ наркологик ёрдам тури ҳам кўрсатилмоқда. Шунга кўра, наркологик касалликка чалинган шахсларни тиббий-ижтимоий реабилитация қилишни наркологик ёрдам тўғрисидаги қонунчиликка мувофиқ давлат томонидан кафолатланган наркологик ёрдам тури сифатида белгилаш зарурати юзага келмоқда. Наркологик ёрдам тўғрисидаги қонунчиликка мувофиқ, наркологик касалликка чалинган шахсни мажбурий даволашга юбориш тўғрисидаги материаллар наркологик муассасаларининг, наркологик касалликка чалинган шахс оила аъзоларининг ёки қариндошларининг илтимосномалари асосида ички ишлар органлари томонидан тайёрланади ва расмийлаштирилади.

Фуқаролар хавфсизлиги ва соғлиғига таҳдид солаётган ёхуд жамоат тартибини, бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини бузиш, психоактив моддалар таъсиридан мастлик ҳолатида маъмурий ҳуқуқбузарликлар содир этиш ҳолатларининг барвақт олдини олишда ички ишлар органлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш мақсадида қонун лойиҳаси билан наркологик касалликка чалинган шахсни мажбурий даволашга юбориш тўғрисидаги материалларни ички ишлар органларининг ташаббуси билан ҳам расмийлаштириш белгиланмоқда.

Таклиф этилаётган қонун лойиҳасининг қабул қилиниши наркологик касалликка чалинган шахсни ички ишлар органлари ходимларининг ҳам ташаббусига кўра, мажбурий даволашга йўналтириш, тиббиёт муассасасига жойлаштиришгача тўпланадиган материалларни тарқоқ ҳолда эмас, балки марказлашган ҳолда тиббиёт муассасаларидан олиши, шунингдек, суд мажлисларини видеоконференцалоқа режимида ҳам кўриб чиқилиши орқали шахсни даволанишга юборишгача бўлган вақтни қисқартиришга хизмат қилади. Мажлисда қонун лойиҳаси қабул қилинди.

**parliament.gov.uz**

МЕН ДОНОРМАН

# ҚОНИМИЗ ҲАМ, МЕҲРИМИЗ ҲАМ СЕН УЧУН, БЕМОР БОЛАЖОН



Бугун республикамиз бўйлаб Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмалари Республика Кенгаши томонидан Президентимизнинг жорий йил 9 августдаги 348-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида "Мен донорман" хайрия акцияси ташкил этилди. Акцияда Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерациясининг Наманган вилоят Кенгаши касаба уюшма ходимлари, фаоллари ва тармоқ касаба уюшмасининг вилоят Кенгаши, унинг бошланғич ташкилотлари вакиллари фаол иштирок этдилар. Кўнгиллилар вилоят қон қуйиш марказига ташриф буюриб, қон топширдилар.

– Бемор болажонларимиз учун қон билан бирга меҳримизни ҳам ҳадя этдик, - **дейди тармоқ касаба уюшмасининг вилоят Кенгаши раиси Аббосхон Мамадалиев.** - Акциядан кўзланган мақсадимиз - бу бемор болажонларнинг соғлом ҳаётга қайтишларида беғараз ҳиссамизни қўшиш, уларнинг оилаларига қувонч бағишлашдан иборатдир. Вилоят қон қуйиш марказининг маълумотларига кўра, акция доирасида 11 литрга яқин қон топширилди. Топширилган қонлар кимгадир ҳаёт бахш этиши, кимнингдир умрига умр қўшиши, шубҳасиз. Чунки қон - тириклик манбаи. Қон ва унинг компонентлари ўрнини ҳеч нарса билан тўлдириб бўлмайди.

***Шундай экан, барчамиз бу каби эзгуликлар йўлида бирлашиб, нажоткор қалбларга малҳам бўлайлик. Уларни дарддан халос этишда бор мурувватимизни аямайлик.***

**Манзура ЭРГАШЕВА**

ИНСОН САЛОМАТЛИГИ ҲАР НАРСАДАН УСТУН

# “САХОВАТ ВА КЎМАК” ЖАМҒАРМАСИ ХАЛҚНИНГ ҲАҚИҚИЙ КЎМАКЧИСИ

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 22 апрелдаги 213-сонли фармойишига мувофиқ “Маҳалла” хайрия жамоат фонди вилоят бўлими, туман (шаҳар)лар бўлинмалари ҳузурида “Саховат ва кўмак” жамғармалари ташкил этилган.**

Ушбу жамғарманинг мақсади оғир пандемия даврида аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламлари, яъни эҳтиёжманд оилаларга, ногиронлиги бўлган шахсларга ёрдам бериш, ва уларни кундалик истеъмол товарлари, дори воситалари билан таъминлаш, шу билан бирга эҳтиёжманд фуқароларни даволаниши учун ҳам моддий жиҳатдан кўмак кўрсатишдан иборатдир.

Инсон саломатлиги ҳар нарсадан устун бўлган жамиятимизда бугунги кунгача кўплаб беморларга дори воситалари ҳамда даволаш бўйича маблағлар ажратилмоқда. “Саховат ва кўмак” жамғармаси Низоми талабларидан келиб чиқиб, Халқ депутатлари вилоят ва туман кенгаши қарорлари асосида, жорий йилнинг 11 ойи мобайнида вилоят ва туман (шаҳар) “Саховат ва кўмак” жамғармаларидан жами 26,8 миллиард сўм маблағ сарфланиб, 25913 нафар эҳтиёжманд фуқароларга ёрдамлар кўрсатилди. Шундан, 827,9 миллион сўм маблағ 556 нафар фуқароларга дори воситаларини харид қилиш учун, 4,5 миллиард сўм маблағ эса 842 нафар фуқароларнинг даволаниши ва жарроҳлик амалиётларини амалга оширишлари учун сарфланди. Халқ депутатлари Навоий вилоят кенгаши қарорига асосан, вилоят “Саховат ва кўмак” жамғармаси ҳисобидан Навбаҳор туманида Бешработ” МФЙда истиқомат қилувчи Г. Худойбердиевага **“жигар церрози”** ташхиси қўйилиб, даволаниши ва жарроҳлик амалиёти учун Қизилтепа тумани “Буюк ипак йўли” МФЙда яшовчи Қ. Ибрагимов ҳам фарзандига **"жигар церрози"** ташхиси қўйилганлигини ва уларнинг мурожаатлари асосида, уларга Ҳиндистон давлатида жарроҳлик амалиёти ва даволатиши учун харажат маблағларининг бир қисми ажратиб берилди. Халқ депутатлари Конимех туман кенгаши қарори билан, туман “Саховат ва кўмак” жамғармаси маблағлари ҳисобидан, “Саржал” ОФЙда яшовчи фуқаро Г. Наршабаеванинг фарзандига жарроҳлик амалиёти ўтказиши учун Тошкент шаҳридаги **ООО “Юнусобод медиал маркзга”,** “Юксалиш” МФЙда яшовчи фуқаро Ниязбаев Ерболга эса даволаниши учун Навоий шаҳридаги **“Невро-вертевра Сервис”** диагностика марказига маблағ кўчириб берилган. Худди шунингдек, Халқ Депутатлари Нурота туман кенгаши қарорларига асосан, туман “Саховат ва кўмак” жамғармаси маблағлари ҳисобидан, Нурота тумани “Бўдиқ” МФЙда яшовчи Комилов Жаҳонгирга фарзандини даволатиши учун “Ибн сино” МФЙда яшовчи Худойқулов Рашидга даволаниши учун ўтказилди.



Хатирчи туманида яшовчи уйда таълим олаётган **168 нафар** ўқувчиларнинг рўйхатлари шакллантирилиб, уларга 2022 йил учун зарур бўладиган дори-дармонлар рўйхати ишлаб чиқилган. Ва Халқ депутатлари Хатирчи туман кенгаши қарорига асосан туман “Саховат ва кўмак” жамғармасида 230,3 миллион (икки юз ўттиз миллион уч юз) сўм ажратилиб, ушбу ўқувчиларга дори-дармон воситалари олиб берилди. Масалан: “Боғчакалон” МФЙда яшовчи Ш. Равшанова, М. Улуғбек МФЙда истиқомат қилувчи Ш. Шопулатовага, “Тошкулоқ” МФЙда яшовчи А. Журакуловга, “Икром Карвон” МФЙда яшовчи О.Юсупов ва “Сарой” МФЙда яшовчи Ш. Шарофиддиновларнинг ҳар бирига 5 турдаги дори воситалари учун 2,0 миллион (икки миллион) сўмдан кўчириб берилди.

Бир беморнинг тузалиб оёққа туриши, жамиятга қўшилиши нафақат уни ўзини балки, оила аъзоларининг қариндошларининг хурсандчилигига сабаб бўлади.

***Шундай экан, вилоятимизда бу каби хайрли ишлар давом этмоқда.***

**Дилдора БАРАТОВА,**
**“Маҳалла” хайрия жамоат фонди**
**Навоий вилоят бўлими мутахассиси.**

ТИББИЁТДАГИ ИСЛОҲОТЛАР

**Президентнинг 2021 йил 5 майдаги “Соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислоҳотларни изчил давом эттириш ва тиббиёт ходимларининг салоҳиятини ошириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш тўғрисида”ги 6221- сонли Фармони ҳамда 2021 йил 25 майдаги “Соғлиқни сақлаш соҳасини комплекс ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 5124-сонли қарори ижросини таъминлаш бўйича вилоятимизда диққатга сазовор ишлар амалга оширилмоқда.**





# ЮРАКЛАРНИ АСРАЙМИЗ

Мазкур меъёрий ҳужжатларга кўра “Тиббиёт бригадалари”га бириктирилган патронаж ҳамшира ва дояларнинг малака оширишини ташкил этиш бўйича устувор вазифалар белгиланган. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 26 январдаги "Юрак-қон томир касалликларининг олдини олиш ва даволаш сифатини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида Бухоро вилоят ҳокимлиги соғлиқни сақлаш бошқармаси ҳамда Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт марказининг Бухоро вилоят минтақавий филиали ҳамкорлигида “Кардиологияда ҳамширалик ишининг устувор йўналишлари” мавзусида илмий-амалий семинар ташкил этилди. Марказнинг етакчи шифокори Д. Джумаев томонидан “Гипертония ва юрак ишемик касалликларининг олдини олиш, даволаш ва парвариш қилиш” мавзусида йиғилиш иштирокчиларига тақдимот ўтказилди.Йиғилишда бу борада қабул қилинган Президент ҳамда ҳукумат қарорлари ижроси юзасидан амалга оширилган ишларга алоҳида тўхталиб ўтилди.

“Аретериал гипертензия”, “Юрак ишемик касалликлари. Стенокардия. Ўткир миокард инфаркти билан оғриган беморларда ҳамширалик парвариши” мавзуларига оид маълумотлар вилоятнинг шаҳар ва туман тиббиёт бирлашмаларидан ташриф буюрган тиббиёт ходимларига презентация шаклида тақдим этилди. Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт маркази Бухоро вилоят минтақавий филиалининг функционал диагностика бўлими мудири, тажрибали шифокор Н. Жўраева томонидан йиғилиш иштирокчиларига электрокардиограмма қилиш тартиби бўйича тақдимот ўтказилди ҳамда амалий жараёнлар кўрсатиб ўтилди. Йиғилишдан сўнг бошқармада “Юракларни асраймиз!” деб номланган телеграмм гуруҳи ташкил этилди. Унда юрак-қон томир тизими касалликлари билан боғлиқ кўрсатма, тавсия ва тиббиёт ходимлари билимини ошириб бориш учун янгиликлар бериб борилади.

***Бу эса соҳадаги иш самарадорлигини ҳамда беморларга кўрсатилаётган тиббий хизмат сифатини оширишга хизмат қилади.***

**Маъмурахон Сафоева,**
**Бухоро вилоят ҳокимлиги соғлиқни сақлаш бошқармасининг бош мутахассиси.**

“ЎЗБЕКИСТОН ТИББИЁТИ – ИНСОН ҚАДРИ УЧУН”

# ТАЖРИБА ВА МАЛАКА ОШИРИШИМИЗ ҲАМДА ДОИМИЙ ЯНГИЛИКЛАР САРИ ИНТИЛИШИМИЗ ЗАРУР

**Кейинги йилларда мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимида туб ўзгаришлар бўлиб, тиббиёт муассасалари янгича қиёфага кирди. Шифо масканларимиз энг сўнгги русумдаги аппаратлар билан жиҳозланди.**







Малакали кадрлар билан таъминланди. Аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифати янада ошди. Албатта, бу каби шароит ва имкониятлардан халқимиз ниҳоятда миннатдор бўлмоқда. Бундай эзгу ишларга жиддий эътибор қаратаётган Давлатимиз раҳбарининг ўрини ниҳоятда беқиёсдир. Президентимизнинг асосий мақсадлари “Ўзбекистон тиббиёти - инсон қадри ва саломатлигига” қаратилганлиги билан аҳамиятлидир. Шундай экан, Тошкент вилояти кўп тармоқли тиббиёт маркази жамоаси ҳам ана шундай тамойилга амал қилган ҳолда самарали фаолият олиб бормоқда. Шифо масканимизда беморлар учун етарли шарт-шароитлар мавжуд. Мутахассисларимизнинг фаолият юритишлари учун кенг имкониятлар яратилган. Шунингдек, мураккаб операциялар тиббиёт муассасамизда муваффақиятли амалга оширилмоқда. Шу ўринда айтиб ўтмоқчиманки, шифохонамизда янги аппаратураларнинг олиб келинаётганлиги беморларимизни ташхисини тўғри аниқлаш ва даво муолажаларини олиб боришда ишларимизни янада самарали кечишида катта ёрдам бермоқда. Биргина мисол, марказимизнинг олдинги фаолиятини олиб қарайдиган бўлсак, рентген хонасида Мирател рентген аппарати ишлатилган эди. Аппарат маънан эскириб носоз ҳолатга келгандан сўнг демонтаж қилинган ва 1972 йилда ишлаб чиқарилган 12П5 русмли портатив рентген аппаратига мослаштирилган бўлиб, рентген суъратлари жуда сифатсиз ҳолда тўғри ташхис қўйишда қийинчиликлар туғдириб келган. Шу сабабли, мураккаб операциялар тайёргарлигида беморларни рентген текширувлари ўтказиш учун атрофдаги хусусий клиникаларга юборишга мажбур бўлар эдик. Бу албатта, беморлар учун ноқулайлик ва моддий қийинчиликларига олиб келган. Ушбу муаммоларни олдини олиш мақсадида 2022 йил Тошкент вилояти ҳокимлиги ва марказ маъмуриятининг ҳаракатлари билан 2 миллиард сўмга Хитой халқ республикасида ишлаб чиқарилган 6100А русмли рақамли рентген аппарати харид қилинди ва ўрнатилди. Янги рентген аппарати горизантал, вертикал ва ҳар хил градусли позицияларда тасвирга туширади. Скопия ва графия қилади, рентген тасмаси компьютер орқали чиқарилади. Рентген аппарати ички хотираси 1 ТВ ни ташкил этади. Windows10 системада ишлайди. Бу албатта, ўз навбатида марказнинг диагностика имкониятлари кенгайтирган ҳолда хирургия, травматология, нейрохирургия, урология соҳаларида сифатли рентген текширувларни ўтказиш имконини бериб, беморларга қулайлик, моддий енгилликлар яратди.

***Хулоса ўрнида айтишим жоизки, юртимиз тиббиёти янада жадаллашиб ривожланиб бормоқда. Эътирофлиси шундаки, соҳада эришилаётган барча ютуқлар ўзимизники. Лекин муаммоларимиз ҳам йўқ эмас. Тиббиёт шундай соҳаки, у бўшлиқни ёқтирмайди. Шундай экан, ҳар биримиз ўз устимизда мукаммал ишлашимиз, тажриба ва малака оширишимиз ҳамда доимий янгиликлар сари интилишимиз зарур.***

**Низом АБДУЛЛАЕВ,**
**Тошкент вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази даволаш ишлари бўйича бош шифокор муовини.**

• ДИЛ ИЗҲОРИ •

## ҚАЛБ ТАШАККУРИМ СИЗЛАРГА



*Кейинги пайтларда саломатлигимда ўзгариш бўлиб, танамни оғриқлар безовта қила бошлади. Бир неча бор шифо масканларида даволаниб чиқдим. Афсуски, фойдаси бўлмади. Кун сайин танамдаги оғриқлар дардимни янада оғирлаштирди. Дардимга даво излаб, Тошкент вилояти кўп тармоқли тиббиёт маркази шифокорларига мурожаат қилдим. Мени илиқлик билан кутиб олган тиббиёт муассасасининг малакали мутахассислари саломатлигимни тиббий кўрикдан ўтказишгач, қўйилган ташхис жиддий эканлигини инобатга олиб, тезда операция қилиш зарурлигини айтишди ва хирургия бўлимига жойлаштиришди. Даво муолажаларини бошлаб юборишди. Сўнгра марказнинг малакали мутахассислари менда илеотрансверзоанастомоз, десцендо ректо ансатомоз ва холецистэктомия операцияларини муваффақиятли ўтказишди. Операциядан бир неча кун ўтгач, танамдаги оғриқлар кетган, ўзимни эса енгил ҳис қилдим. Деярли бир ой давомида ушбу шифо масканида тажрибали тиббиёт ходимларининг астойдил хизматлари билан тузалиб оилам бағрига қайтдим. Айниқса, марказнинг қўли енгил шифокорлари К. Тожибоев, А. Аъзамов, К. Ҳасанов, Ш. Жумаев, шунингдек, реанимация, хирургия ва операцион бўлимидаги бир-биридан чаққон, меҳрибон ҳамширалар меҳнати таҳсинга лойиқ эканлигини эътироф этмоқчиман.*

*Фурсатдан фойдаланиб, менинг соғайиб кетишимда ўзларининг фидойи меҳнатларини аямаган марказ раҳбарияти ҳамда унинг жонкуяр тиббиёт ходимларига оиламиз номидан чексиз миннатдорлигимизни билдирамиз. Уларга мустаҳкам соғлик, оилавий хотиржамлик, масъулиятли ва шарафли ишларига омадлар тилаб қоламиз.*

**Шахноза КАРАЕВА,**
**Тошкент вилояти.**

• ФИДОЙИЛИК •

## ХОРАЗМЛИК АЁЛ ТУРМУШ ЎРТОҒИГА БИР БУЙРАГИНИ БЕРДИ

**Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий марказининг Хоразм филиалида мураккаб трансплантация амалиёти – буйрак кўчириб ўтказиш операцияси бажарилди.**

Бемор Даврон Ражабов — Боғот туманидан. У кўп йиллардан бери буйрак етишмовчилигидан азият чекиб келаётган эди. Сўнгги пайтларда эса аҳволи янада оғирлашди. Шифохонага мурожаат қилганида мутахассислар унга сўнгги чора сифатида трансплантация амалиётини тавсия этди. Донорлик учун турмуш ўртоғи — Камола Саъдуллаеванинг тиббий таҳлил натижалари мос келди. Аёли бу танлов олдида иккиланиб ўтирмади. Эрига бир буйрагини беришга қарор қилди. Операция олти соатдан кўпроқ вақт давом этди. Уни Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази ва вилоят филиали жарроҳлари ўзаро ҳамкорликда бажаришди.

Муҳими, амалиёт муваффақиятли якунланди. Ҳозир беморнинг ҳам, донорнинг ҳам аҳволи яхши. Ҳар иккисида тегишли стандартлар асосида тиббий муолажалар давом эттирилмоқда.

**Айтиш жоизки, ушбу буйрак трансплантацияси вилоятда ўтказилган шу турдаги саккизинчи ноёб амалиётдир.**

@ssvuz

ТИББИЁТ ЯНГИЛИКЛАРИ

**Тирсак бўғими — мураккаб тузилишга эга аъзо. Кўринишидан яхлитга ўхшаса-да, аслида уч бўғимдан ташкил топган. Шу боис, уларнинг ўзаро уйғун ишлашини таъминлаш ўта қийин жараён. Қолаверса, бунинг учун зарур юқори технологик эндопротезлар жуда камёб ҳисобланади.**

# ТРАВМАТОЛОГИЯ ВА ОРТОПЕДИЯ МАРКАЗИДА ТИРСАК БЎҒИМИ КАСАЛЛИКЛАРИ ЯНГИ УСУЛДА ДАВОЛАНАДИ

Республика ихтисослаштирилган травматология ва ортопедия илмий-амалий тиббиёт марказида тирсак бўғимини табиий йўл билан тиклашга қаратилган илғор амалиёт жорий этилмоқда. Суяк тўқималарининг туғма ёки орттирилган патологияларини каминвазив усулларда даволаш йўллари ўзлаштирилмоқда. Жумладан, тирсак бўғими касалликларини ҳам шундай усулда муолажа қилиш мумкин. Бу борада россиялик ҳамкасбларимиз билан ҳамкорлик қиляпмиз. Унга кўра, тирсак бўғими жароҳатлари эндопротез ёки пластиналар эмас, балки Илизаров усули ёрдамида табиий йўл билан тикланади. Ҳозиргача бу амалиёт бир гуруҳ беморларда муваффақиятли бажарилди. Мазкур муолажа тури сякларда реконструктив операциялар ўтказиб, беморга Илизаров аппаратини ўрнатиш ҳамда бўғимларнинг ҳаракатини тиклашга қаратилган.



*Келгуси йил бошидан ушбу амалиёт нафақат марказ, балки унинг ҳудудий филиалларида ҳам кенг жорий этилиши кутилмоқда.*

**Муроджон ИРИСМЕТОВ,**
**Республика ихтисослаштирилган травматология ва ортопедия илмий-амалий тиббиёт маркази директори, профессор.**

ЭЪТИРОФ

**Дунёда шундай инсонлар борки, улар ўзининг ҳалол меҳнати, қолаверса, касбига бўлган садоқати билан халқимиз орасида, шунингдек, жамоада ўз обрў ва ҳурматга сазовор бўлади. Эътирофлиси шундаки, ўз касбини ардоқлаган, жамият равнақи йўлида астойдил хизмат қилган инсонларнинг фаолият йўли ибрат мактабига айланиши қувонарли ҳолдир. Ана шундай меҳнатлари таҳсинга лойиқ бўлган, 30 йилдан буён халқимиз саломатлиги йўлида фидойиларча хизмат қилиб келаётган камтарин инсон Ҳамидулла Исроиловдир.**



# ҲАЛЛОЛИК МАРТАБАНИ БЕЗАЙДИ

Ҳамидулла Исроилов Тошкент вилоятининг Оққўрғон туманида таваллуд топган. 1980 йилда ўрта мактабни аъло баҳоларга тугатиб, 1982-1989 йилларда Тошкент тиббиёт институти, ҳозирги Тошкент тиббиёт академиясида таҳсил олган.1991 йилдан–1997 йилга қадар Тошкент вилояти шифохонасида нефролог врачи вазифасида фаолият олиб борди.1997 йилдан 2003 йилга қадар Қуйи чирчиқ тумани марказий шифохонасида Бош врач муовини вазифасида ишлаб келди. 2003 йилдан ҳозирги кунга қадар Тошкент вилояти кўп тармоқли тиббиёт марказининг урология бўлими мудири ҳамда Тошкент вилояти бош урологи лавозимида хизмат қилиб келмоқда.





Тажрибали шифокор Ҳамидулла Исроилов Тошкент вилояти миқёсида 20 нафардан ортиқ шогирдлар етиштирди. Шунингдек, туман ва шаҳарларда ўтказилаётган чуқурлаштирилган тиббий кўрикларда фаол иштирок этиб келмоқда. Бугунги кунда Тошкент вилояти кўп тармоқли тиббиёт марказида юқори технологик операциялардан бўлган буккал уретрапластика, лапаросокопик операцияларни тадбиқ этиб, ўзининг тавсия ва маслаҳатларини бериб келмоқда. Камтарин инсон ўзининг меҳнатсеварлиги, хушмуомалалиги, ташаббускорлиги ҳамда билимдон мутахассислиги билан марказ ходимлари ва беморлар ўртасида обрў эътиборга эга. 2010 йилда Ҳамидулла Омонкуловичнинг меҳнатлари Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан эътироф этилиб, "Соғлиқни сақлаш аълочиси" кўкрак нишони билан тақдирланди.

Куни кеча Ҳамидулла Исроилов ўзининг 60 йиллик таваллудини нишонлар экан, ушбу тадбирда иштирок этган Тошкент вилояти кўп тармоқли тиббиёт маркази бош врачи профессор Бахтиёр Қосимов, даволаш ишлари бўйича муовин Низом Абдуллаев сўзга чиқиб, кўп йиллар давомида халқимиз саломатлиги йўлида фидойиларча меҳнат қилган тажрибали шифокор Ҳамидулла Исроиловни кутлуғ ёши билан жамоа номидан самимий кутлаб, унинг касбий фаолиятини эътироф этдилар. Шунингдек, Республика ихтисослаштирилган урология илмий-амалий тиббиёт маркази раҳбарияти, вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси, Тошкент вилояти туман ва шаҳар тиббиёт бирлашма жамоаси ҳамда марказ касаба уюшмаларининг табриклари ўқиб эшиттирилди ва вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасининг "Фахрий ёрлиғи" топширилди.

